

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ
ҲУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.37/27.02.2020.YU.107.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

АЗИЗОВ НАСИМБЕК АБДУМУХТОРОВИЧ

**ИҚТИСОДИЙ СУДЛАР ТОМОНИДАН БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯДА
ИШ ЮРИТИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хужалик процессуал ҳуқуқи.
Ҳакамлик жараёни ва медиация

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2022 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертациyasi автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктори философии (PhD)
Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Азизов Насимбек Абдумухторович Иқтисодий судлар томонидан биринчи инстанцияда иш юритиш тартибиди такомиллаштириш.....	3
Азизов Насимбек Абдумухторович Совершенствование порядка производства в экономических судах первой инстанции	21
Azizov Nasimbek Abdumuxtorovich Improvement of proceedings in the economic courts of the first instance.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	43

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ
ҲУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.37/27.02.2020.YU.107.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

АЗИЗОВ НАСИМБЕК АБДУМУХТОРОВИЧ

**ИҚТИСОДИЙ СУДЛАР ТОМОНИДАН БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯДА
ИШ ЮРИТИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хужалик процессуал ҳуқуқи.
Ҳакамлик жараёни ва медиация

**Юридик фанлар буйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси В2022.2.PhD/Yu745 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бош прокуратура Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглит (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.sudyalaroliymaktabi.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эсанова Замира Нормуратовна
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Имомов Нурилло Файзуллаевич
юридик фанлар доктори, профессор

Хабибуллаев Давлатжон Юлчибоевич
юридик фанлар номзоди, профессор

Ўтақчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
қошидаги Юристар малакасини ошириш
маркази

Диссертация химояси **Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби хузуридаги PhD.37/27.02.2020.YU.107.01** рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 28 декабрь соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100097, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чупонота кўчаси, 6-уй. Тел.: (+998)555010189; факс: (+998)555010189, e-mail: sudyalaroliymaktabi@umail.uz).

Диссертация билан Судьялар олий мактабининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (7 -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100097, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чупонота кўчаси, 6-уй. Тел.: (+998)555010189; факс: (+998)555010189, e-mail: sudyalaroliymaktabi@umail.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил 12 декабрь кuni тарқатилди.

(2022 йил 12 декабрдаги 3-рақамли реестр баённомаси).




К.О.Синдоров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, юридик фанлар доктори


Д.Р.Артиков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, юридик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)


Б.Б.Самарходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, юридик
фанлар доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда иктисодий низоларни ҳал этувчи судларда иш юритиш тартибини такомиллаштириш, иктисодий ишларни тўғри ва ўз вақтида ҳал этиш, шу жумладан соддалаштирилган тартибда ишларни кўриб чиқиш механизмларини ривожлантириш ва шу орқали шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш долзарб аҳамият касб этади. Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнесни юритиш – 2020” йиллик ҳисоботида¹ “шартномалар ижросини таъминлаш соҳаси” бўлимида суд ишларини юритиш тизими сифати бўйича рейтинг мезонлари келтирилган ва ушбу мезонлар Ўзбекистоннинг иктисодий процессуал қонунчилигини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутди.

Жаҳонда судларда иш юритиш механизмларини такомиллаштириш, соддалаштирилган иш юритиш турларини ривожлантириш, бу орқали суд процесси иштирокчилари бўлган шахслар, хусусан тадбиркорлик субъектларининг суд орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтириш, судгача ва суддан ташқари низоларни ҳал этиш ҳамда ярашув тартиб-таомилларини қўллаш орқали иктисодий суд ишларининг юритилишида самарадорликка эришиш, судьяларнинг иш ҳажмини камайтириш, процессуал тартиб ва механизмларни соддалаштириш масалалари ва ушбу соҳаларда илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Республикада олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари натижасида биринчи инстанция судлари сифатида туманлараро, туман (шаҳар) иктисодий судларининг ташкил этилганлиги, низоларни ҳал этишнинг судгача ва суддан ташқари ҳал этиш усулларининг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилганлиги, айрим тоифадаги иктисодий ишларни ҳал этиш иктисодий судлардан бошқа ташкилотларга ўтказиш жараёни такомиллашгани, судларда иш юритишда замонавий ахборот технологиялари жорий этилганлиги, низоларни соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқишнинг ҳуқуқий механизмлари яратилганлиги шубҳасиз иктисодий судлар томонидан кўриб чиқилаётган ишларнинг камайишига олиб келди. Жумладан, статистик маълумотларга асосан, иктисодий судлар томонидан биринчи инстанция тартибида 2018 йилда 403 344 та иш кўрилган бўлса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 197 291 та ишни ташкил қилган бўлса², 2021 йилда жами 175 445 та ҳамда 2022 йилнинг биринчи ярмида 84 237 та иш кўрилган³. Шунингдек иктисодий судларда иш юритишни самарали ташкил этиш ва уни доимий такомиллаштириб бориш мамлакатда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш вазифалари билан уйғун бўлиши лозим. Бу эса юридик фан

¹ <https://www.doingbusiness.org/en/reports/global-reports/doing-business-2020>.

² Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 28 августдаги 07/24-208-сон маълумотномаси.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2022 йил 13 июлдаги 07/13-288-сон ва 2022 йил 21 январдаги 07/13-32-сон маълумотномалари.

олдига иктисодий суд ишларини юритиш йўналишида илмий таҳлил этиш, муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш бўйича илмий ечимлар ишлаб чиқиш вазифасини кўймоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Иктисодий процессуал кодекси (2018) (кейинги ўринларда - ИПК), Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (2018), “Судлар тўғрисида”ги Қонуни (2021), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2016), “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги (2017), “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017), “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2020), “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги (2022) Фармонлари ва мавзуга оид бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги: Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот мавзуси махсус монографик тадқиқот предмети бўлмаган, айрим ҳуқуқшунос олимлар томонидан ушбу мавзу билан боғлиқ ўқув адабиётлари ёки илмий мақолалар чоп этилган.

Хусусан, ҳуқуқшунос олимлар Ш.Ш.Шорахметов, Э.Э.Эгамбердиев, О.Окюлов, Ш.Н.Рўзиназаров, Ф.Х.Отахонов, М.К.Азимов, К.О.Синдоров, Б.Б.Самарходжаев, З.Н.Эсанова, М.М.Мамасиддиқов, Д.Ю.Ҳабибуллаев, Х.Т.Азизов, Х.В.Бурханходжаева, М.Л.Насуллаев, И.И.Насриев, М.П.Қаландарова, Ф.Б.Ибратова, Ш.М.Масаддиқов, Х.А.Кучқаров, Қ.С.Авезов, И.М.Салимова, О.Ш.Пирматовлар томонидан чоп этилган илмий ишлар, адабиётлар ва мақолаларда диссертация мавзусига оид айрим масалалар муайян даражада очиқ берилган.

Хорижда иқтисодий ишларни биринчи инстанция судида кўриш тартибига оид тадқиқотлар ва ўрганишлар М.А.Сидоров, Д.А.Фурсов, А.А.Латкин, А.К.Ғагиев, И.Н.Колядко, W.Twining, Lukasz Rozdeiczek, Alejandro Alvarez de la Campa ва бошқалар томонидан ўтказилган.

Хусусан, ҳуқуқшунос олимлар М.А.Сидоров, Д.А.Фурсовлар биринчи инстанция судларида иш юритиш тартибини, А.К.Ғагиев судлар фаолияти самарадорлиги мезонлари бўйича, И.Н.Колядко суд ишларини юритиш

турлари ва босқичлари юзасидан махсус тадқиқот олиб борган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Бош прокуратура Академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилиб, илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодий судлар томонидан биринчи инстанцияда иш юритиш тартибига оид муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солинишидаги муаммоларни ҳал қилишга ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазибалари:

биринчи инстанция судида иш юритиш тартибининг ҳуқуқий асосларини ҳамда иш юритиш турлари ва босқичларини тадқиқ этиш;

биринчи инстанция судида содалаштирилган тартибда иш юритиш ва уни янада такомиллаштириш масалаларини илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш;

ишни суд муҳокамасига тайёрлаш, судгача мажлис ва яраштириш тартиб-таомилларини қўллаш муаммоларини қиёсий-ҳуқуқий ўрганиш;

биринчи инстанция иқтисодий судига тааллуқли ишларнинг хусусиятларини тадқиқ қилиш ва ишларни судгача, суддан ташқари ҳал этиш орқали суд ишларини юритиш самарадорлигига эришиш муаммоларини тадқиқ этиш;

“Бизнес юритиш” ҳисоботи таркибий индикаторларини таҳлил қилиш орқали иқтисодий судларда иш юритишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

иқтисодий судларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва статистик маълумотларни таҳлил қилиш;

хорижий амалиётни таҳлил қилиш ҳамда қонунчилик ҳужжатларини ва суд амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти иқтисодий судлар томонидан биринчи инстанцияда иш юритиш тартиби ва уни такомиллаштириш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети иқтисодий судлар томонидан биринчи инстанцияда иш юритиш тартиби билан боғлиқ процессуал-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концепциялар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, тизимли-тузилмавий, социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, эмперик тадқиқот, статистик маълумотлар таҳлили ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида даъводан воз кечиш мумкинлиги, суд ҳужжатлари устидан протест келтириш муддати ва тартибини суд ҳужжатининг хулоса қисмида белгилаш ҳамда процессуал

муддат ажратилган ёки бирлаштирилган ишларга қачондан бошлаб ҳисобланиши асослаб берилган;

чет давлат ваколатли судининг ҳал қилув қарори мавжудлиги иш юритишни тугатишга асос бўлиши ҳамда чет давлат судларининг ва арбитражларининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш масалаларини ИПҚда акс эттириш зарурлиги асослантирилган;

суд мажлисини аудио- ёки видеоёзувга қайд этиш тартиби ҳамда ушбу ҳолатдаги суд мажлиси баённомаси тузиш масаласини иктисодий процессуал қонунчиликда акс эттирилиши зарурлиги асослантирилган;

ҳолисликни тўлиқ таъминлаш мақсаднда биринчи инстанция суди билан апелляция инстанцияси судини алоҳида судлар сифатида ажратиш мақсадга мувофиқлиги ҳамда суд амалиётида нафақат қонунлар, балки қонуности ҳужжатларида ҳам низоларни судгача ҳал этиш (талабнома юбориш) тартиби белгиланган ҳолларда унга риоя қилиш тарафлар учун мажбурий ҳисобланиши асослаб берилган;

бошқа бир иш бўйича берилган эксперт ҳулосаси судда қўрилаётган бошқа иш бўйича “эксперт ҳулосаси” мақомини олмаслиги тўғрисида ва ушбу эксперт ҳулосаси бошқа далиллар билан бир қаторда далил сифатида ўрганиб чиқилиши тўғрисида ҳамда ҳужжатлар сохталаштирган, тўғридан тўғри қонунчиликда кўрсатилган ҳолатларда суд ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлаши бўйича судларга тушунтириш берилиши асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иктисодий ишлар бўйича биринчи инстанция судида иш юритиш турлари ва босқичларини илмий-амалий жиҳатлари таҳлил қилинган;

иктисодий процессда ишни суд муҳокамасига тайёрлашнинг, судгача мажлис институтининг ва яраштириш тартиб-таомилларини қўллашнинг процессуал механизмлари тадқиқ этилган;

келишув битими, даъвои тан олиш, даъводан воз кечиш ҳамда медиатив келишувларнинг процессуал хусусиятлари очиб берилган;

“Бизнес юритиш” халқаро рейтинг индекси таҳлил қилиниб, ундаги Ўзбекистоннинг натижаларини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

процессуал характерда бўлган ва бўлмаган мурожаатлар билан боғлиқ ишларни юритишни тоифаларга бўлиш мезонларини ишлаб чиқиш зарурияти асослантириб берилган;

иктисодий процессуал қонунчиликка сайёр суд мажлисларини ўтказиш тартиб-таомиллари билан боғлиқ нормаларни киритиш таклиф қилинган;

иктисодий низоларни судгача ва суддан ташқари ҳал этиш ҳамда айрим низоларни ҳал этишни бошқа органлар ваколатига ўтказиш орқали иктисодий судларда иш юритиш самарадорлигига эришиш мумкинлиги асослантириб берилган;

соддалаштирилган тартибда иш юритиш тартибини янада такомиллаштириш, хусусан унинг суд буйруғи тартибидаги иш юритишдан фарқлари, ушбу жараёндаги ижро механизмлари ва даъво баҳоси микдорларини қўпайтириш асослантириб берилган;

“Ўзбекистон Республикаси Иктисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва

қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқро ҳуқук ва миллий қонунчилик, ривожланган давлатларнинг тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларга асосланган, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклифлар апробациядан ўтказилган, уларнинг натижалари хорижий ва миллий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланиб, амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иқтисодий судлар томонидан биринчи инстанцияда иш юритиш тартибини такомиллаштириш бўйича илмий қарашлар, таклифлар ишлаб чиқилганлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган илмий хулоса, таклифлардан иқтисодий процессуал қонунчиликни такомиллаштиришда ҳамда уларга шарҳлар тайёрлашда, Судьялар олий мактаби, Юристлар малакасини ошириш маркази, Бош прокуратура Академияси тингловчилари, Тошкент давлат юридик университети, юридик факультетлар талабалари учун ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда, олий таълим муассасалари ва юридик техникумларда “Иқтисодий процессуал ҳуқук”, “Иқтисодий ишлар бўйича процессуал ҳужжатлар” модулларнинг маъруза ва семинарларини ўтишда, шунингдек илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

ҳар қандай суд босқичида даъводан воз кечиши имконини бериш тўғрисида таклиф ИПКнинг 157-моддасида, чет давлат ваколатли судининг ҳал қилув қарори мавжудлиги иш юритишни тугатишга асос бўлиш тўғрисидаги қонда ИПКнинг 110-моддасида, чет давлат судларининг ва арбитражларининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш масалалари кодексида тартибга солиниши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклиф ИПКнинг 33-бобида, суд ҳужжатлари устидан протест келтириш муддати ва тартибини белгилаш ҳақидаги таклифлар ИПКнинг 179, 196-моддаларида, суд мажлисини аудио- ёки видеоёзувга қайд этиш, бунда суд мажлиси баённомасини юритиш тартиби ИПКнинг 201 ва 203-моддаларида, ҳолисликни тўлиқ таъминлаш мақсадида биринчи инстанция суди билан апелляция инстанцияси судини алоҳида судлар сифатида ажратиш бўйича таклифлар ИПК нормаларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 2 сентябрдаги 08/УМ-477-20-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар иқтисодий судларда иш юритиш тартибини такомиллаштиришга, одил судлов фаолиятини илмий асосларини ривожлантиришга хизмат қилган;

суд амалиётида қонуности ҳужжатларида низоларни судгача ҳал этиш (талабнома юбориш) тартиби белгиланган ҳолларда унга риоя қилиш тарафлар учун мажбурий ҳисобланишини белгилаш ҳақидаги таклиф Ўзбекистон

Республикаси Олий суди Пленумининг 24.05.2019 йилдаги “Биринчи инстанция суди томонидан иктисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 13-сон қарори 3-бандида, бошқа бир иш бўйича берилган эксперт хулосаси судда қўрилаётган бошқа иш бўйича “эксперт хулосаси” мақомини олмаслиги тўғрисида ва ушбу “эксперт хулосаси” бошқа далиллар билан бир қаторда далил сифатида ўрганиб чиқилиши, ҳужжатлар сохталаштирган ва тўғридан тўғри қонунчиликда кўрсатилган ҳолатларда, суд ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлаши бўйича тушунтириш бериш бўйича таклиф Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Иктисодий судлар томонидан экспертизага оид қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 261-сон қарори 3, 16 ва 21-бандларида, процессуал муддат ажратилган ёки бирлаштирилган ишларга қачондан бошлаб ҳисобланиши бўйича тушунтириш берилиши тўғрисидаги таклиф Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Иктисодий судлар томонидан процессуал муддатларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2015 йил 19 июндаги 283-сон қарори 3 ва 16-бандларида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 2 сентябрдаги 08/УМ-476-20-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар иктисодий судлар томонидан биринчи инстанцияда амалдаги қонун ҳужжатларини қўллашларига оид тушунтиришлар берилишига, амалиётни такомиллаштиришга ва бирхиллаштиришга қаратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш, шу жумладан 9 та илмий мақола (1 та хорижий нашрларда, 2 та хорижий нашрда чоп этилган мақолага тенглаштирилган) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 137 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш (диссертация аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритиб берилган.

Диссертациянинг “Иқтисодий судлар томонидан биринчи инстанция судида иш юритиш тартибининг умумий тавсифи” деб номланган биринчи бобида иқтисодий судлар томонидан биринчи инстанцияда иш юритиш тартиби, турлари ва босқичларининг назарий-ҳуқуқий асослари, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш ва судгача мажлис институтини такомиллаштириш масалалари ўрганилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланиши белгиланган. Мазкур конституциявий нормада “иқтисодий суд ишларини юритиш” жумласи ўз аксини топган бўлсада, мазкур тушунчага миллий ҳуқуқшунослар томонидан комплекс таъриф бериб ўтилмаган. Диссертантнинг фикрича, иқтисодий судларда биринчи инстанцияда иш юритиш тартиби деганда, биринчи инстанцияда иқтисодий процессуал ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига ҳамда Олий суд Пленуми ва Раёсати қарорларига катъий роя қилган ҳолда, бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларни ёхуд қонун билан қўрикланадиган манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида иқтисодий суднинг, ишда иштирок этувчи шахслар ва иқтисодий суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларининг буйруққа, даъво ишини юритишга оид ва алоҳида тоифадаги ишларни қўриб чиқилишидаги иқтисодий суд ишларини юритиш вазибаларини амалга оширишга қаратилган фаолиятини тартибга солувчи тартиб қондалар тушунилади.

Б.Т.Матюшин, М.А.Сидоров каби бир гуруҳ олимларнинг иқтисодий суд ишларини юритиш турлари ва босқичлари ҳусусидаги илмий қарашлари умумлаштирилиб, иқтисодий суд ишларини юритишнинг босқичларининг алоҳида ҳусусиятларини инобатга олиб, қуйидаги босқичларга бўлинди:

1) биринчи инстанция иқтисодий судида иш қўзғатишиш (иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш, даъво аризаси ёки аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиш, даъво аризасини ёки аризани қайтариш);

2) ишни суд муҳокамасига тайёрлаш (шу жумладан судгача мажлис);

3) биринчи инстанцияда ишни мазмунан ҳал этмасдан тамомлаш ёки тўхтатиб туришга оид жараён (иш юритишни тўхтатиб туриш, даъво аризасини қўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш);

4) биринчи инстанция судида ишни мазмунан қўриб чиқиш (суд муҳокамаси, ҳал қилув қарорини чиқариш);

5) апелляция инстанцияси судида иш юритиш (шу жумладан, шикоят ёки протестни қўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш ёки тўхтатиш);

6) кассация инстанция судида иш юритиш (шу жумладан, шикоят ёки протестни қўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш ёки тўхтатиш);

7) кассация тартибида такоран қўриш;

8) 2021 йил 13 январидан тугатилган назорат тартибда иш юритиш;

9) қонуний кучга кирган ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта қўриш;

10) суд ҳужжатларини ижро қилиш.

Хуқуқшунос олимлар О.Окюлов ва З.Эсановалар томонидан суд иш юритиш турлари қуйидаги келтириб ўтади: даъво тартибида юритиладиган ишлар; суд буйруғини беришга оид ишлар; банкротлик тўғрисидаги ишлар; юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар; ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишлар; ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар⁴. Б.Т.Матюшин эса суд фаолиятининг предметиға қараб иш юритиш турларини ажратишни таклиф этади, яъни моддий (даъво, суд буйруғи, банкротлик тўғрисида) ва процессуал (ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш, чет давлатлар судларининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш, чет давлатлар судларининг ҳал қилув қарорлари тан олиш ва ижроға қаратиш). Уларнинг фикриға қўшилган ҳолда диссертант биринчи инстанцияда иш юритиш турларининг (шаклларининг) қуйидагича рўйхатини келтирган:

1. Суд буйруғи бериш тўғрисидаги иш юритиш;
2. Даъво тартибида иш юритиш, жумладан:
 - 2.1. Даъво ишини юритишнинг белгиланган умумий қоидалари бўйича иш юритиш;
 - 2.2. Соддалаштирилган тартибда иш юритиш;
3. Банкротлик тўғрисидаги ишларни юритиш (ИПКда назарда тутилган қоидалар бўйича ва қонунчиликда белгиланган хусусиятларни эътиборға олган ҳолда);
4. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишларни юритиш (даъво ишини юритишнинг умумий қоидалари бўйича ва алоҳида хусусиятлар эътиборға олинган ҳолда);
5. Корпоратив низолар бўйича иш юритиш (даъво ишини юритишнинг умумий қоидалари бўйича ва алоҳида хусусиятлар инobatға олинган ҳолда);
6. Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш (ИПКда назарда тутилган қоидалар бўйича, алоҳида хусусиятлар инobatға олинган ҳолда);
7. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни юритиш;
8. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юритиш;
9. Арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишлар;
10. Ҳакамлик ёки арбитраж судида кўриб чиқилаётган иш бўйича даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш бўйича иш юритиш;
11. Йўқолган суд ишини ва ижро ишини юритишни тиклаш тўғрисидаги ишларни юритиш;
12. Чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни юритиш, жумладан:
 - 12.1. Айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги суд топшириқларини ижро этиш;
 - 12.2. Чет давлатлар судларининг ва арбитражларининг ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижроға қаратиш тўғрисидаги ишларни юритиш;

⁴ Окюлов О., Эсанова З. Хўжалик процессуал ҳуқуқи фанининг умумий қоидалари. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ахборотномаси. 2016 йил, 1-сон, 28-б.

13. Иктисодий судлар томонидан суд таъсир чораларини қўллашга оид иш юритиш (маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида иш юритиш, шунингдек моддий жавобгарликка тортиш ва интизомий жавобгарликка тортиш масаласини кўриш ва бошқалар);

14. Инвестициявий низолар бўйича ишларни юритиш.

15. Ракобатга оид ишлар бўйича иш юритиш.

Муаллиф томонидан ИПКнинг 1-моддасида қўшимча равишда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ иш юритишни ҳамда чет давлат судларининг ва арбитражларининг ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги иш юритишни қўшиш таклиф этилган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг иктисодий судларга мурожаатини мазмун ва шакл жиҳатидан процессуал характерда бўлган ёки процессуал характерда бўлмаган мурожаатларга ажратиш мезонларини ишлаб чиқиш зарурияти асослангириб берилди. Хусусан, судда иктисодий ишларни мазмунан кўриш билан боғлиқ бўлмаган, процессуал конунчилик ҳужжатларида бевосита кўзда тутилмаган, суд ҳужжати чиқариш ёки процессуал ҳаракатлар қилиш учун асос бўлмайдиган ва далиллар сифатида тан олинмайдиган мурожаатлар процессуал характерда бўлмаган мурожаатлар сифатида баҳоланади. Шу билан бирга, процессуал характерга эга бўлмаган иш юритиш ҳам судларда иш юритиш жараёнлари билан ўзаро боғлиқ эканлиги асослаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маълумотига кўра⁵, 2019 йил давомияда жами 203 069 та иш кўрилган бўлиб, уларнинг 197 294 таси биринчи инстанцияда, 2 646 таси апелляция инстанциясида, 2 454 таси кассация инстанциясида, 675 таси назорат инстанциясида кўрилган. Шулардан биринчи инстанцияда 190 085 та иш туманлараро, туман (шаҳар) иктисодий судларида, 7 206 таси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иктисодий судларида кўрилган. 2020 йилнинг биринчи ярмида туманлараро (туман, шаҳар) иктисодий судларининг судьялари томонидан 50 578 та иктисодий ишлар кўриб чиқилган ва бу даврда амалда фаолият кўрсатган судьялар сони 128 тани ташкил этган (штат бўйича судьялар сони 177 та), натижада бир судьянинг ўртача ойлик иш ҳажми амалда ишлаган судьяга нисбатан 65,9 тани ташкил этган. Ушбу даврда 49 та ваканция мавжуд бўлган ва агарда ушбу ваканциялар тўлдирилган ҳолда жами 177 та судья томонидан ишлар кўрилганда ўртача ойлик иш ҳажми штатлар сони бўйича 47,6 тани ташкил этган бўлиб, судьяларнинг юкламасини сезиларли камайтирган бўлар эди. Бу кўрсаткичлар Республика бўйича ўртача кўрсаткич бўлиб, бир судьянинг ўртача ойлик иш ҳажми амалда ишлаган судьяга нисбатан Сурхондарё вилояти бўйича 139,9 тани, Қашқадарё вилоятида 112,2 тани ташкил этган. Вилоят ва унга тенглаштирилган иктисодий судларда бир судьянинг ўртача ойлик иш ҳажми (штат бўйича жами 59 нафар) эса 2019 йилда биринчи инстанцияда 10,2 тани, апелляция инстанциясида 3,7 тани, кассация инстанциясида 3,5 тани ташкил этган. Шу сабабли биринчи

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 28 августдаги 07/24-208-сон маълумотномаси.

инстанция ва юкори инстанция иктисодий судлар судьяларининг ўртача ойлик иш ҳажми жиддий фарқ қилиб, ўртадаги фарқни тенглаштириш ва бу орқали судларда ишларни юритишни такомиллаштиришга қаратилган амалий чора-тадбирлар амалга ошириш мақсадида даъво суммасининг муайян миқдоридан келиб чиқиб, масалан бир миллиард сўмдан ортик миқдордаги талаблар ва айрим тоифадаги иктисодий ишларни (масалан, лицензияларни амал қилишини тугатиш ва уларни бекор қилиш) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари ваколатига биринчи инстанция сифатида кўришларини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Молиявий санкцияларни қўллашдан ташқари кўрсатилган барча ҳуқуқий таъсир чоралари асосан пул маблағларини бевосита ундириш билан боғлиқ бўлмади, шу сабабли бундай тоифадаги ишларни маъмурий суд ваколатига ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Муаллиф томонидан нафақат қонунларда, балки қонуности ҳужжатларида ҳам низоларни судгача ҳал этиш (талабнома юбориш) тартиби белгиланган ҳолларда унга риоя қилиш тарафлар учун мажбурий ҳисобланиши асослаб берилди.

Шунингдек деярли низосиз ва кам аҳамиятли ишларни судгача ҳал этишни такомиллаштириш зарур, хусусан ушбу низоларни ҳал этишни иктисодий суд ваколатидан бошқа органлар ваколатига олиб бериш лозим. Судлар фаолиятига замонавий ахборот технологияларини қўллаш орқали иш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Масалан, статистик маълумотларга кўра⁶, 2022 йил ярим йилида жами кўрилган 84 237 та ишнинг 27,1 фоизини (22 863 та) банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туришга оид ишлар ташкил этган. Ушбу ишларнинг аксарияти молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботни тақдим этмасликдан келиб чиқмоқда ва ушбу тоифадаги ишларни судгача ҳал этиш тартибини такомиллаштириш суд юкласини камайтиришга олиб келади. Ўтказилган сўровномада “ушбу тоифадаги ишлар бўйича суд юкласини камайтиришга эҳтиёж мавжудми” деган саволга 137 нафар респондентнинг 85 нафари (62 фоизи) “аксинча, бу тоифадаги ишларни солиқ органларининг ўзи ҳал қилиши керак, агар бундан солиқ тўловчи норози бўлса кейин судга мурожаат қилиши лозим” деган жавобни берган.

Сайёр суд мажлислари шаклида иш юритишлар ҳажми ва аҳамиятидан келиб чиқиб, иктисодий процессуал қонунчиликка ишларни сайёр суд мажлисларида кўришга танлаш ва тайинлаш тартиби, сайёр суд мажлисини ўтказиш санаси, вақти ва жойига қўйиладиган талаблар, бундай мажлисларни ўтказиш мумкин бўлмаган объектлар ва ҳудудлар, сайёр суд мажлисида кўриб чиқиш мумкин бўлмаган ишлар тоифалари ва бошқа ташкилий жиҳатларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни киритиш лозим. Маълумот учун, ИПКнинг фақат 163-моддасида судья ишни суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида суднинг сайёр мажлисини ўтказиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиши ҳақида қайд этилган. Статистик маълумотларга⁷ кўра, 2019 йилда

⁶ Биринчи инстанция судларида кўрилган иктисодий ишлар юзасидан статистик маълумот. <https://stat.sud.uz>
⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 28 августдаги 07/24-208-сон маълумотномаси.

жами кўрилган 197 291 та ишдан 126 678 та иш (64 фоизи) сайёр суд мажлисида кўрилган.

ИПКда давлат ижрочисининг қарорлари устидан шикоят бериш бўйича бирорта норма мавжуд эмас. Ушбу тоифадаги ишларни кўриб чиқиш тартибини ИПКнинг V бўлимида акс эттириш ёки маъмурий судлар ваколатига бу тоифадаги ишларни ўтказиш таклифи берилади.

Ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг ҳуқуқий мақомини ҳам қонунларда аниқ белгилаб, уларнинг айримларининг меҳнат фаолиятини тадбиркорлик фаолиятига тенглаштириш лозим. Чунки ушбу масала уларнинг ўзаро ва бошқа юридик шахслар билан шартномалар тузишидан келиб чиқувчи низоларини ҳал этишда муҳим ҳисобланади. Ўтказилган сўровномада “Ўзини ўзи банд қилган шахслар билан боғлиқ низолар тадбиркорлик фаолиятдан келиб чиқади деган фикрга қўшилмасизми” деган саволга 137 нафар респондентнинг 65 нафари (47,4 фоизи) “ҳа уларнинг фаолияти тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади” деган жавобни беришди.

ИПК 148-моддасида низоларни судгача ҳал қилиш тушунчасига талабнома юбориш тартиби синоним атама сифатида қўлланилган ва бу низоларни судгача ҳал этишнинг бошқа турларини четда қолдиради деган хулосага келинди.

Шунингдек иктисодий процессуал қонунчиликда келишув битими каби медиатив келишувни тасдиқлашни рад этиш асосларини келтириш зарур.

Судгача мажлисда тарафлар тўлиқ қатнашсалар ушбу жараёни судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлигига тенглаштириш имкониятлари яратилиши лозим.

Судгача мажлис жараёнида агар бир тараф даъво муддати ўтганлиги оқибатини қўллашни сўраганида ва бунда бошқа тараф рози бўлганда судья ишни кейинчалик муҳокама қилмасдан даъво талабини рад этиш имконияти яратилиши зарур. Судгача мажлисда ва суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида жавобгар даъво талабини тан олса кейинчалик ишни суд муҳокамасини ўтказмасдан фақат қарор қисмидан иборат қисқа ҳал қилув қарорини чиқариш механизмини жорий қилишни зарур деб ҳисоблаймиз. Судгача мажлисда барча далиллар йиғилган ҳолларда суд уни тугатиш ҳақида хулосага келиши кераклиги ва дарҳол ишни мазмунан кўришга ўтиши лозимлиги тўғрисидаги тартибни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Қонунчиликка кўра, судгача мажлисни ташкил этиш судьянинг ҳуқуқи бўлиб, қайси тоифадаги ишлар бўйича ушбу тартиб мажбурий эканлиги қонунчиликда белгилаб берилмаган. Шунингдек Олий суд маълумотига кўра 2021 йилнинг 11 ойида республика бўйича 145 та судгача мажлислар ташкил этилган⁸. Судгача мажлисда ишда иштирок этувчи шахсларнинг видеоконференцалоқа режимида иштирок эта олиш имконияти иктисодий процессуал қонунчиликда тўғридан тўғри белгиланмаган.

Диссертациянинг “**Биринчи инстанция судида иш юритишни соддалаштириш масалалари**” деб номланган иккинчи бобида

⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йил 24 декабрдаги 07/14-19124-411-сон маълумотномаси.

соддалаштирилган тартибда иш юритиш ва суд буйруғи бериш тўғрисидаги ишларнинг аҳамияти ҳамда уларнинг фаркли жихатлари, шунингдек соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг долзарб муаммолари ўрганилган.

М.Мамасиддиқов, Х.Кучқаров каби бир гуруҳ олимларининг соддалаштирилган тартибда иш юритиш бўйича фикрлари ўрганилиб, уларнинг аксарияти фуқаролик процессуал ҳуқуқ назариясига оид эканлигини кўриш мумкин, Қ.Авезов, И.Салимова каби бир гуруҳ олимларининг иқтисодий процессуал ҳуқуқ соҳасидаги соддалаштирилган тартибда иш юритиш бўйича келтирилган айрим муаммолар тадқиқ этилди.

Соддалаштирилган тартибда иш юритиш жараёнида кейинчалик ҳал қилув қарори ижро этилмаса яна ушбу масалада ижро варақаси берилиши жараёни ортқча жараён сифатида баҳоланди ҳамда соддалаштирилган иш юритиш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори бошқа ҳал қилув қарорлари каби қонуний кучга киргандан сўнг ижро варақаси берилиши мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди.

ИПКнинг 135-моддасида кўрсатилган ҳужжатлар асосида тан олинган дебиторлик қарзини ундириш масаласини агарда низо пайдо бўлган ҳолатда соддалаштирилган тартибда иш юритиш асосларига киритиш таклиф этилди.

Шунингдек суд буйруғи қабул қилинган бўлса ва у бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахлдор бўлиб қолса, бундай ҳолатда ушбу шахслар суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши мумкинлиги тўғрисидаги қондани жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24.05.2019 йилдаги “Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 13-сон қароридан ИПКнинг 160-моддасининг иккинчи қисми талабларига мос бўлмаган қарши даъвони қабул қилишни рад этиши лозимлиги белгиланган. Бирок ИПКнинг 155-моддасида суд бундай ҳолатда қарши даъво қайтарилиши масаласи белгиланган. Шу сабабли мазкур Пленум қарори тегишли бандини қонунчиликка мувофиқлаштириш лозим.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибида ишни кўриб чиқиш муддати узайтирилмаслиги тўғрисидаги қоида ИПКнинг 244-моддаси учинчи қисмига асосан ишда иштирак этувчи чет эллик шахслар бўлган ҳолатларга нисбатан тадқиқ этилмаслигини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишларни соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиш таклиф қилинади. Чунки, бундай ишлар мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги ишлардан фарқланиб, иш бўйича низо ва жавобгар бўлмайди. Ишдаги далиллар етарли бўлса, суд ишни соддалаштирилган тартибда суд муҳокамасини аризагини чақиртирмасдан кўриб чиқади. Кўриб чиқаётган вақтда, агарда далиллар етарли эмаслиги ёки низо келиб чиққан тақдирда, иш умумий даъво тартибда кўриб чиқиш мумкин.

Соддалаштирилган тартибдаги иш юритиш бирор бир давлат божини тўлаш бўйича имтиёз мавжуд эмаслиги аниқланди ҳамда бундай ишларда ҳам

суд буйуғи беришдаги камайтирилган давлат божи каби рағбатлантиришни жорий этиш зарурияти мавжуд.

